

Орзигул ҲАМРОЕВА

**XX АСР
БОШЛАРИ
ЎЗБЕК
МАТНШУНОСЛИГИ
ТАРАҚҚИЁТИДА
ФИТРАТ
МАЖМУАЛАРИНИНГ
ЎРНИ**

УЎК: 80
КВК: 80(5Ў)
Ҳ 25

Ҳ 25 **Ҳамроева, Орзигул.**

XX аср бошлари ўзбек мантшунослиги тараққиётида Фитрат мажмуаларининг ўрни [Матн] / О.Ҳамроева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 208 б.

ISBN 978-9943-5649-7-8

УЎК: 80
КВК: 80(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Ҳамидулла Болтабоев, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Насимхон Раҳмонов, филология фанлари доктори, профессор,

Нафас Шодмонов, филология фанлари доктори, профессор

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгашининг 2019 йил 30 майдаши 10-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-5649-7-8

© **Ҳамроева, Орзигул.** «XX аср бошлари ўзбек мантшунослиги тараққиётида Фитрат мажмуаларининг ўрни»
© «Akademnashr», 2019

XX аср бошларида бир қанча олимлар нашр ва матбаа ишларига катта эътибор бериб, мумтоз намуналарни халққа тақдим қилишга интила бошлашди. Абдурауф Фитрат эса бу нашрларни шунчаки нашр қилиб қолмай, уларнинг назарий асосларини, манбаларни, матн хусусиятларини аниқлаш мақсадида бир қанча тадқиқотлар яратди.

Ушбу монографияда XX аср бошларида энди шакллана бошлаган ўзбек матншунослиги ва манбашунослиги тадқиқ этилган.

Монографиядан матншунослик ва манбашунослик, адабиётшунослик йўналишидаги мутахассислар, матн ва унинг наشري, матн манбаларини аниқлаш юзасидан тадқиқот олиб бораётган изланувчилар фойдаланишлари кузда тутилган.

At the beginning of the 20th century, several scientists began to pay attention to publishing and printing work and to try to present classical samples to the public. Abdurauf Fitrat has not only published these publications, but has also created a number of researches to identify their theoretical foundations, sources, and textual characteristics.

In this monograph, Fitrat's source selection, textual working principles were studied in the Uzbek textual and source studies in the early 20th century.

The monograph is intended for researchers in the field of textuality and source studies, literary critics, text and publications, and researchers to identify sources of text.

В начале XX века ряд ученых уделили свое внимание издательско-полиграфическим работам и пытались представить народу их классические образцы. Абдурауф Фитрат занимался не только издательством этих работ, но и провел ряд исследований в целях уточнения их теоретических основ, источников и особенностей текста.

Данная монография раскрывает принципы выбора текста и работы над ним, которые исследовал Фитрат в узбекской текстологии и источниковедении, развивающейся в начале XX века.

Монография послужит основой для специалистов направлений литературоведения, текстологии и источниковедения, а также исследователей, которые проводят свои исследования по текстологии и источниковедению.

СЎЗБОШИ

Илмий мустақиллик адабиётшунослиги шўролар даврида ман этилган, етарли ўрганилган мавзулар ва айрим адабий сиймолар фаолиятини тиклагани ҳамда илмий муомалага олиб киргани билан қадрли. Шу жиҳатдан мазкур монография ёзилганига 90 йилдан ортган бўлишига қарамай, илмда деярли ўрганилмаган Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927) ва «Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд» (1928) каби адабий мажмуаларининг хусусиятлари, нашрга тайёрлаш тамойиллари ва уларни мавжуд қўлёзма ҳамда босма нусхалари билан ўзаро қиёсан ўрганишга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Фитрат ижодини ўрганган мутахассислар гарчи мазкур мажмуалар тўғрисида умумий фикр юритган бўлсалар ҳам, уларни матн жиҳатидан ўрганишни ўз зиммаларига олмаган эди. Ушбу монография ўзбек адабиётшунослиги ва матншунослигида деярли ўрганилмаган мазкур адабий объектларнинг тадқиқига бағишланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Монографиянинг асосий баёнига ўтишдан аввал шуни таъкидлаш зарурки, китоб муаллифи мазкур мавзунини талабалик давридаёқ ўрганишга киришган, дастлаб битирув малакавий иши, сўнгра магистрлик диссертациясини тайёрлаб, муваффақиятли ҳимоя қилган. Бунинг баробарида Фитрат томонидан эски ўзбек ёзувида чоп этилган ҳар икки мажмуани жорий ёзувга ўгириб, илмий изоҳлар билан таъминлаб нашр эттирганининг ўзига тадқиқотчининг мавзу доирасидаги ишлари изчил самара бераётганини кўрсатади. Бундан ташқари, китоб муаллифи ҳар икки мажмуага асос бўлган манбалар: қўлёзма ва тошбосма матнлар, уларнинг мавжуд нашрларини ўрганиб, Фитрат мажмуалари билан солиштириб чиқиши натижасида Фитратнинг матншунос ва манбашунос сифатидаги илмий фаолиятини тиклашга эришган. Шунингдек, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган муаллифи номаълум бўлган «Девону луғот...» сўзлари учун фихрият» Фитрат қаламига мансуб эканини исботлаган ҳамда у қўлёзмани ўрганиб, табдил этиб, нашр этилиши арафасида.

Монографиянинг биринчи бобида айна мажмуаларга бўлган давр эҳтиёжи, уларнинг таркиби, манбалари, матн хусусиятлари ўрганилган.

«Энг эски турк адабиёти намуналари» ҳамда «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуалари таркибидаги адабий намуналарни тадқиқ этиш орқали Фитратнинг матн танлашдаги ўзига хос услуби, тамойиллари аниқланган. Бобнинг иккинчи фаслида «Девону луғотит турк» асари таркибидаги тарқоқ манзум парчаларнинг Фитрат томонидан тизимга солиниши, «Энг эски турк адабиёти намуналари»нинг «Девону луғот...» сўзлари учун фихрият»га муносабати масалалари изчил ўрганилган. Қўлёзма, тошбосма ва мавжуд нашрлар билан солиштирган ҳолда матний тафовутлар кўрсатилиб, Фитрат таянган манбалар таҳлилга тортилган. Бобнинг учинчи фасли «Ўзбек адабиёт намуналари» мажмуаси таркибидаги халқ оғзаки ижоди намуналари ҳамда қадимги давр намуналари: Урхун-Енисей битиктошлари, ҳали илмда чуқур ўрганилмаган, ўзбек манбаларида акс этмаган «Чистоний Элиг беги ҳикояси» асари таҳлиliga бағишланган.

Монографиянинг иккинчи боби дастлабки фаслида таълимий адабиёт намуналари: «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Аҳмад Ясавий ҳамда Сулаймон Боқирғоний ҳикматлари матни тадқиқ этилган. Орзиғул Ҳамроева матн манбаларига оид деярли барча қўлёзма ва тошбосмаларни таҳлилга тортиб, Фитрат таянган манбаларни аниқлаган. Бобнинг иккинчи фаслида Атойи, Лутфий, Хусайний лирик меросидан таркиб топган матнлар ва манбалар таҳлилга тортилган. Фитрат «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасида Навоий ва Бобур ижодига кенг ўрин ажратилгани боис бобнинг учинчи фаслида Фитрат томонидан танлаб олинган Навоий асарларидан келтирилган парчалар матнни беришда олим таянган тамойиллар изчил кузатилган.

Монографиянинг учинчи боби биринчи фасли даврнинг йирик насрий асарлари: «Қисас ул-анбиё», «Мифтоҳ ул-адл» каби манбалар тадқиқига бағишланган. Сўнгра эса Навоий насрий асарларининг бугунги нашрларига муносабат ўрганилиб, Фитрат домланинг матншунослиқдаги илмий услуби аниқланган. Бобнинг учинчи фаслида «Бобурнома» матни, манбалари таҳлили орқали олимнинг манбашунос сифатидаги фаолиятига илмий баҳо берилган.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

МУАЛЛИФДАН

Жаҳон манбашунослиги ва матншунослигида Шарқ адабиётига оид манбаларни ўрганишга интилиш, матн таҳлилга оид тадқиқотлар ортиб бормоқда. Натижада матншуносликнинг назарий асослари, матн таҳлилга оид аниқ концепциялар ишлаб чиқилмоқда, таҳлил усуллари аниқланмоқда. Матншуносликдаги мавжуд устувор йўналишлар мумтоз адабиёт намуналарининг асл манбаларини аниқлаш ва мамлакатимизнинг маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Жаҳон манбашунослик ва матншунослик илмида бирламчи манбалар қиёсий таҳлил ва талқин тамойиллари асосида ўрганилмоқда. Манбашуносликнинг асосий объекти бўлган матн ва унинг муаллифи ҳақида илмий-назарий хулоса чиқариш учун, аввало, бирламчи манбани тадқиқ этиш, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратиш, қадим адабий манбаларни қўлёзма нусхалар асосида нашр этиш муҳим вазифалардан саналади. Аср бошларида вужудга келган илмий-адабий муҳитни ўрганиш, манбаларни таъдил ва талқин қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш бугунги кун адабиётшунослик ва матншунослик фанлари олдиди турган долзарб муаммолардандир.

Аждодларимиз яратган адабий мерос, уни тадқиқ этиш халқимиз маънавий оламиди бойитишда, келажак авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади»¹. Бизнинг ана шундай бой маънавий меросимиз XX аср бошларидан мустақиллик даврига қадар матншунослик ва манбашунослик олимлар томонидан тўпланиб нашр қилинди. Бу борада аср бошларида профессор Абдурауф Фитрат (1886–1938) олиб борган тадқиқот ва нашр ишлари бугунги кунга қадар аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фитратнинг ўзбек мумтоз адабиётига доир манбалар устида ишлаб, уларнинг матнини таъдил

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожлантириши – халқимиз маънавий оламиди юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

этиб, нашр эттириш борасидаги тадқиқотлари «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927) ҳамда «Ўзбек адабиёти намуналари» (1-жилд, 1928) маълумотларида жамланган. Гарчи бугунги кунга қадар Фитратнинг ижодий ҳамда илмий фаолияти бир қанча тадқиқотларда ёритилган бўлса-да, олимнинг матншунослик ва манбашунослик сифатидаги фаолияти жиддий тадқиқот тортилмаган. Олимнинг манбашунослик ва матншунослик соҳасидаги тадқиқотлари ўзбек матншунослигининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларини назарий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди. Асар мазмунини, фояси, матн тарихини чуқур билиш, аниқ хулосага келиш, мавжуд манбалар матнини танқидий ўрганиш, матндан келиб чиққан ҳолда муаллиф таржимаси ҳолини тиклаш ва бадий асар талқини каби илмий-назарий тамойилларни ишлаб чиқишда олимнинг матншунослик ва манбашунослик сифатидаги фаолиятини ўрганиш нафақат ўз даври, балки бугунги кун манбашунослиги ва матншунослигида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек мумтоз адабиёти манбалари ва намуналарини нашрга тайёрлаш ва унинг илмий тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича матншунослик йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилган. С.Айний, Гафур Гулом, Амин Умарий, Хусайнзода, И.Султон, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, С.Ғаниева, Ф.Каримов, Ш.Эшонхўжаев, Э.Аҳмадхўжаев, С.Эркинов, И.Ҳаққул, Н.Раҳмонов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиқов, С.Ҳасанов, В.Раҳмонов, Н.Жабборов, А.Эркинов, Р.Зоҳидов¹ ва бошқа олимлар матншунослик ва манбашунослик;

¹ Алишер Навоий. Ҳамса / Қисқартириб нашрга тайёрловчи С.Айний. – Тошкент, 1947; Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин / Насрий баён муаллифи Ғ.Ғулом. – Тошкент, 1938; Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / Нашрга тайёрловчилар А.Умарий, Хусайнзода. – Тошкент, 1941; Алишер Навоий. Мезон ул-авзон / Нашрга тайёрловчи И.Султонов. – Тошкент, 1949; Алишер Навоий. Ҳамса / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент, 1960; Бобир. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Тошкент, 1961; Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний / Нашрга тайёрловчи Х.Сулаймон. – Тошкент, 1961–1963; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент, 1961; Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов. – Тошкент, 1966; Алишер Навоий. Лисон ул-тайр / Нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. – Тошкент, 1965; Лутғий. Девон. Гул ва Наврўз. – Тошкент, 1966; Таъдий. Девон / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Аҳмадхўжаев. – Тошкент, 1973; Лутғий. Сансан севагим / Нашрга тайёрловчилар С.Эркинов, Э.Ғозилов, Э.Аҳмадхўжаев. – Тошкент, 1987; Лутғий. Девон / Нашрга тайёрловчи С.Эркинов. – Тошкент, 2012; А.Ясавий. Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифи И.Ҳаққул. – Тошкент, 1991; Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Тошкент: Шарқ, 2002; Олтин ёруғ. 1–2-китоблар / Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркий тилдан ўзбекчага таъдил муаллифи Н.Раҳмонов. – Тошкент, 2009, 2015; Алишер Навоий. Мухокамат ул-луғатайн / Нашрга тайёрловчи Қ.Содиқов. – Тошкент, 2018; Бобур. Асарлар. 3-жилдлик. Девон. 1-жилд / Нашрга тайёрловчи В.Раҳмон. – Тошкент, 1968; Суфий Оллоёр. Сабот ул-оҳизин / Нашрга тайёрловчи Р.Зоҳидов. – Тошкент, 2007.